

## ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ РЕСУРС САЛОҲИЯТИДАН САМАРАЛИ Фойдаланишда аёллар бандлигини таъминлашнинг АҲАМИЯТИ

Ережепова Бибисара Абибуллаевна,  
Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети  
“Умумиктисодий фанлар” кафедраси

### Аннотация

Иқтисодий ва модернизациялашнинг ҳозирги шароитида мамлакат иқтисодий ўсишини таъминлашда хизматлар соҳасини иқтисодийнинг асосий драйверга айлантириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Хизматлар соҳаси мамлакатда арзон иш ўринлари яратишнинг ва камбағалликни қисқартиришнинг ҳам асосий омилдир. Шунинг эътиборига олган ҳолда ушбу мақолада хизмат кўрсатиш соҳасини модернизациялаш жараёнида ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланишда аёллар бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ва муаммолар тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** модернизация, ресурс салоҳияти, аёллар бандлиги, глобаллашув, хизмат кўрсатиш соҳаси, инновацион технология, бизнес, субсидия.

### Аннотация

В современных условиях модернизации экономики в обеспечении экономического роста страны одним из наиболее актуальных вопросов является превращение сферы услуг в ключевой драйвер экономики. Сфера услуг также является ключевым фактором создания дешёвых рабочих мест и сокращения бедности в стране. Поэтому в данной статье рассмотрены вопросы и проблемы обеспечения занятости женщин в эффективном использовании ресурсного потенциала при модернизации сферы услуг.

**Ключевые слова:** модернизация, ресурсный потенциал, занятость женщин, глобализация, сфера услуг, инновационные технологии, бизнес, субсидии.

**Кириш.** Ҳозирги замон бозор иқтисодиёти кўп жиҳатдан хизматлар соҳасининг ривожланиши билан узвий боғлиқ. Чунки хизматлар соҳаси арзон иш ўринларини яратиш билан бирга камбағалликни қисқартиришнинг ҳам асосий омилга айланиб бормоқда. Дунёнинг ривожланган давлатларида ЯИМ таркибида хизматлар соҳаси 75-80 фоизни ташкил қилаётган бир даврда Ўзбекистонда ушбу соҳа ривожини хали пастлигича қолмоқда. Мамлакат иқтисодиёти кўп жиҳатдан хизматлар соҳасининг ривожланиши билан узвий боғланган.

<https://conferencea.org>

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев 2022 йилда Ўзбекистонда хизматлар соҳасининг камида 50 фоизга ўсишини таъминлаш вазифасини белгилаб берар экан, бунда Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, хизматлар соҳасини ривожлантиришда худудларнинг нисбий устунликларини ҳисобга олиш зарурлигини ҳам кўрсатиб берди. Мазкур мақолада хизматлар соҳасида аёллар бандлигини таъминлашнинг айрим жиҳатларига эътибор қаратилган.

Тадқиқ этишнинг долзарблиги аёллар бандлигининг асосий қисми хизматлар соҳасига тўғри келишини инобатга олган ҳолда бу соҳада олиб борилаётган тадқиқотларни такомиллаштириш зарурати билан боғлиқ.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили** Меҳнат ва бандлик масалалари классик иқтисод вакилларида ҳисобланган А.Смит асарларидаёқ талқин этилган. Лекин у хизматлар соҳасидаги меҳнатни унумсиз меҳнат сифатида олиб қараган. Аёллар бандлиги ва бу соҳада олиб борилаётган давлат сиёсати россия олимларидан Г.Аксенова, С. Булгакова, А. Добрынин, Г. Журавлева, О. Кондратьева, М.Малышева, Е.Евстратова илмий ишларида кўриб чиқилган. Жумладан Е.Евстратова илмий ишида аёллар меҳнатидан фойдаланишнинг афзалликлари ва заиф томонларига алоҳида эътибор қаратган

Ўзбекистон иқтисодчи олимларидан Р.Убайдуллаева, Д.Ортиқова, Н.Рахимова, М.Болтабоеваларнинг илмий изланишларида аёллар бандлиги ва унга таъсир кўрсатувчи ижтимоий иқтисодий омиллар ўрганилган. Улар аёллар бандлигига демографик, иқтисодий, маънавий маданий ва ташкилий омиллар билан бир қаторда бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ бўлган бошқа омиллар таъсирига ҳам эътибор қаратган.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот методологиясини иқтисодиётни модернизациялаш ва хизматлар соҳасини ривожлантириш, хотин-қизлар бандлигини таъминлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари ташкил этади. Шу билан бирга, мамлакатимизда ва хориж давлатларида хизматлар соҳасида аёллар бандлигини таъминлаш моделларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, Ўзбекистонда хизматлар соҳасини ривожлантиришда аёллар бандлигини таъминлаш сиёсатини юритишда фойдали жиҳатларини амалиётга киритишда катта туртки бўлиши мумкин. Шунга биноан ушбу мақоланинг тадқиқот методологик жиҳати мамлакатимизда аёллар меҳнатидан фойдаланишдаги инновацион ғояларини амалиётга жорий этиш йўллари асослашдан иборат.

**Амалий натижалар.** Мақолада кўрилган масалалар хизматлар соҳасида аёллар бандлигини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган илмий изланишларни тўлдиради ва хизматлар соҳасида аёллар меҳнатидан самарали фойдаланиш бўйича ечимлар қабул қилишга ёрдам беради.

Жаҳон ҳўжалигининг ҳозирги ривожланиш тенденцияси интеграцион жараёнларнинг тезлашиши ва глобаллашув фаолиятини кучайиши билан характерланади. Албатта бу иқтисодиётнинг асосий соҳаси бўлмиш хизмат кўрсатиш тармоқларига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Бунда хизмат кўрсатиш соҳаси ҳар хил кўринишга эга бўлиб ва ижтимоий иқтисодий шароитдан келиб чиққан ҳолда хизмат турлари ҳам ҳар хил даражада ривожланади. Демак, хизмат кўрсатиш соҳасини модернизациялаш хизматларни янада ривожлантириш, уларни янги турларини шакллантиришни кучайтириб боради. Шу сабабли олимлар хизмат кўрсатиш соҳаси ҳар томонлама, ҳар хил усулда, босқичма-босқич тартибда ривожлантириб келиниши лозимлигини таъкидлайди.

Хизмат кўрсатиш турларининг хилма хиллиги ва унинг ривожланиш даражасидаги фарқлар соҳани модернизациялашни уни мукамал ва чуқур ўрганмасдан туриб амалга оширишнинг мумкин эмаслигини кўрсатади. Хизматлар соҳасидаги ижтимоий ўзгаришлар ўз-ўзидан амалга ошмайди. Авваламбор у, мураккаб жараён бўлиб, айрим истикболли соҳа ва тармоқлар каби муайян вақтгача ўзига яраша муаммоларга дуч келиши мумкин.

Афсуски, ҳозиргача хизмат кўрсатиш соҳасини модернизациялаш жараёнини амалга ошириш бўйича аниқ ва мукамал усуллар ва модернизацияланишда ягона ёндашувлар ишлаб чиқилмаган. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, уни миллий иқтисодиётдаги ўрнини мустаҳкамлаш учун модернизациялашнинг зарурлигини ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда хизмат турларини кўпайтириш унинг ЯИМ даги улушини ошириш ва хизматлар сифатини яхшилаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу соҳани модернизациялашнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки у айрим тармоқларида банд бўлган ходимларнинг қисқаришига олиб келса, айримларида эса аҳоли бандлигини таъминлашнинг ортишига олиб келади.

Инновацион технологияларнинг жорий этилиши, айрим соҳадаги мутахассислар таркибида кадрлар қисқаришига олиб келади. Аксинча иккинчи бир тармоқларда эса модернизация жараёнининг кучайиши янги иш ўринларини очиш имконини беради. Масалан таълим соҳасига инновацияни кириб келиши янги педагогик технологияларни топиш учун ўқитувчиларга ўз устида кўпроқ ишлаш масулиятини белгилайди. Бу эса ушбу соҳада янги иш ўринларини яратиш, таълим сифатини янада яхшилаш имконини беради. Ушбу масалалар ечими бевосита хизматлар соҳасида инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш жумладан тармоқ хусусиятидан келиб чиққан ҳолда аёллар меҳнатидан фойдаланишни тўғри ташкил этиш масалаларига боғлиқ.

Хусусиятли белгиси шундан иборатки инсон ресурслари эскирмайдиган узлуксиз такрор ишлаб чиқариш имкони бўлган, агар тўғри ташкил этилса такомиллаша оладиган ва ривожлантириш имконияти ҳам юқори бўлган ресурслардан бири ҳисобланади. Бунда

<https://conferencea.org>

айниқса аёллар меҳнатидан тўғри фойдаланишни йўлга қўйиш долзарб муаммолардан ҳисобланади. Мутахассисларнинг фикрича, айнан хотин-қизлар тадбиркорлигининг салоҳияти жаҳон ялпи ички маҳсулотини икки баробарга ошириш имкониятини берар экан. Кўпчиликка яхши маълум бўлган Boston Consulting Group халқаро компанияси экспертлари томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, агар аёл тадбиркорлар сони эркак тадбиркорлар сонига тенг бўлганида, жаҳон иқтисодиёти ҳажми 2,5 триллион доллардан 5 триллион долларга ошиши мумкин экан.

Бугунги кунда аёллар юртимизнинг меҳнатга лаёқатли ва иқтисодий жиҳатдан фаол аҳолисининг катта қисмини ташкил этилишини инобатга олсак, хотин-қизлар тадбиркорлигини мамлакатимиз иқтисодий ривожига учун энг муҳим ресурслардан бири эканлигига гумон йўқ. Лекин бугунги кунгача аёллар бандлигини таъминлашда маънавий маърифий, иқтисодий молиявий ва ташкилий тўсиқлар мавжуддир. Аёл киши зиммасига авваламбор уй бекаси вазифасини бажариш юклатилган. Шу боис у ўз меҳнат фаолиятдан кўра уй ишлари ва бола тарбиясини устун қўяди ва ўзининг инсон капиталини ривожлантиришга кам маблағ ажратади.

Айниқса қишлоқ жойларида хизматлар соҳасининг кам ривожланганлиги аёллар бандлигига салбий таъсир қилади. Ҳатто ёш қишлоқ аёлларининг айримлари учун ишга жойлашиш долзарб муаммо ҳисобланмайди ва бу меҳнат мотивациясининг пастлиги билан тушунтирилади. Бизнинг менталитетимизла тадбиркорлик кўпинча эркак кишининг ишидек кўринади ва бу аёллар тадбиркорлигини молиявий ресурслар билан таъминланишида тўсиқларни келтириб чиқаради. Шунингдек меҳнат бозори инфраструктураси етарли даражада такомиллашмаганлиги туфайли бўш иш жойлари ҳақидаги маълумотлар иш қидираётганларга ўз вақтида етиб келмайди.

Натижада айрим соҳаларда бўш иш ўринлари мавжуд бўлган бир даврда ҳатто дипломли аёлларимиз ҳам ишсиз қолмоқда. Касб ва лавозимлар классификатори ҳам меҳнат бозорининг бугунги талабига мос келмайди. Дизайнер, таржимон, кутубхоначи каби мутахассисликларга олий маълумот талаби қўйилган. Айни дамда, бу касбларни қисқа курсларда ўқиш билан ҳам ўрганишлари мумкин.

Хизмат кўрсатиш соҳасини модернизациялашдаги айрим муаммолар аёллар бандлигига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Юқорида такидлаганимиздек модернизациялаш натижасида айрим тармоқларда ортикча меҳнат ресурслари пайдо булади. Бу уларни иш билан таъминлаш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ходимларнинг малакавий кўникмасини ошириш муаммосини келтириб чиқаради. Ушбу муаммолар ечимини топишда олимларимиз томонидан икки хил ёндашувдан фойдаланиш тавсия этилади:

Биринчиси, хизмат кўрсатиш соҳасидан ортган меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш;

<https://conferencea.org>

Иккинчиси, меҳнат ресурслари сафига келиб қўшилаётган кишиларни иш билан таъминлаш.

Аммо аҳоли бандлигини таъминлашда биринчи ёндашувдан фойдаланиш, хизмат кўрсатиш соҳасидан ортган меҳнат ресурсларининг бандлигини таъминлашда мураккаб вазиятни келтириб чиқариши мумкин. Сабаби хизматлар соҳасидан бўшаган меҳнат ресурслари миқдор жihatдан, меҳнат ресурслари сафига келиб қўшилаётганлардан қўп бўлиши мумкин.

Мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича ҳукуратимиз томонидан хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини янги босқичга кўтариш ва аёлларнинг жамиятдаги ўрнини янада юксалтириш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, гендер тенгликни қарор топтиришга қаратилган муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда хизматлар соҳаси ривожини таъминлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 11 май ПҚ 5113 сонли ва 27.01.2022 йилдаги “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-104 -сон қарорларининг қабул қилиниши соҳа тараққиёти учун ҳукукий асосларни таъминлайди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби «Тадбиркор аёл» ишбилармон аёллар ҳамда «Хунарманд» уюшмалари, хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари, шунингдек, бошқа нодавлат-нотижорат ташкилотлари томонидан аёлларнинг молиявий саводхонлигини ошириш ва тадбиркорликка йўналтириш бўйича олиб борилган ишлар натижасида 60,3 минг нафар хотин-қизлар тадбиркорлик малакасига эга бўлиб, уларнинг 80 фоизи иш билан банд бўлди. 50 минг нафардан зиёд аёл бизнес юритиш асослари ва методикасига ўргатилиб, ўз бизнесларини ташкил эта олди.

Аёллар тадбиркорлиги дастурлари доирасида 2021 йилда 200 мингдан зиёд лойиҳаларга 2 триллион сўм кредит ва субсидиялар ажратилиб, 320 минг хотин-қизлар доимий иш ўринларига эга бўлди. Белгиланган вазифаларни амалга оширишда 2022 йилда ипотека кредитлари бўйича ажратиладиган субсидияларнинг камида 40 фоизи хотин-қизларга йўналтирилиши уларнинг ўз бизнесини ташкил этиш учун замин яратади.

Аёллар салоҳиятидан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида 2022-2026 йилларга мўлжалланган Хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш дастурини қабул қилишни белгиланиши, янги ўқув йилидан бошлаб олийгоҳ, техникум ва коллежларда ўқиётган қизларга таълим контрактларини тўлаш учун, илк маротаба, 7 йил муддатга фоизсиз кредит беришни жорий қилиниши, янги ўқув йилидан бошлаб магистратурада ўқиётган қизларнинг контракт пуллари тўлиқ бюджетдан қоплаб берилиши (23 минг нафар қизларга 200 миллиард сўм), докторантура йўналишида хотин-қизлар учун ҳар йили

<https://conferencea.org>

камида 300 тадан мақсадли квота ажратилишини белгиланиши хотин қизларимиз учун тарихда бўлмаган имкониятлардир. Бундан ташқари 2022-2024 йиллар учун “Бизнес аёллар” дастури қабул қилиниши белгиланиб унинг ижросига жами 8 триллион сўм йўналтирилиши соҳада яна минглаб аёлларимизниг ўз бизнесини яратишига моддий замин бўлади.

Хизматлар соҳаси жуда кўп турли бўлганлиги туфайли биз бу соҳада аёллар бандлигини таъминлашнинг айрим жиҳатларини гина кўриб чиқдик ва мавжул муаммоларни аниқладик.

Хизматлар соҳасида аёллар бандлигини таъминлаш юзасидан қилинган ишлар ва мазкур йўналишдаги муаммоларни бартараф этиш юзасидан қўйидаги таклифларни келтириш мумкин:

- ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб хизматлар соҳасидан бўшаган ишчиларни малакасини ошириш ва қайта касбга тайёрлаш ишларини тизимли йўлга қўйиш;
- ҳар бир ҳудуд ва ҳар бир хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича касб турларига бўлган талаб ва таклифни аниқ мониторингини юритиш;
- касб ва лавозимлар классификаторини такомиллаштириш;
- хотин-қизларни бандлигини таъминлашда ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш.

## Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Презилентининг 11.05.2021 й ПҚ- 5113 сонли “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш тўғрисида” ги Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Презилентининг 27.01.2022 й ПҚ -104 сонли “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш тўғрисида” ги Қарори.
3. Е.Евстратова Женская занятость и безработица: Современ. экон. теории и практика. Автореферат. 1995 г.
4. Н.Рахимова Повышение экономической активности женщин на рынке труда Узбекистана. Т,2007 г.